O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 8 январь, № 5 (4920) Жума


# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР

## Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт осойишталиги ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**Айни кунларда мамлакатимизнинг барча жойларида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш учун қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Мана шундай байрамона руҳ, кўтаринки кайфиятни Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Махсус факультетда ҳам кўриш мумкин.**

Ушбу даргоҳ том маънода мустақиллик мевасидир. Чунки бу ерда ёшларнинг пухта билим олиши, ўз соҳасининг етук эгаси бўлиб етишиши учун нимаики шароит лозим бўлса, барчаси бугунги кун талабига мос тарзда яратиб берилган. Муҳташам ўқув биноси ва унга уйғун ҳолда қурилган ҳар бир иншоот ўзига хослиги билан киши ҳавасини келтиради. Таълим-тарбия жараёнига энг сўнгги русумдаги замонавий алоқа воситалари, техника ҳамда технологияларнинг жалб этилгани Қуролли Кучларимиз сафларига дунёқараши кенг, интеллектуал салоҳиятли, ҳар қандай шароитда тезкор қарор қабул қила оладиган етук мутахассисларни етказиб беришда қўл келаётир.

### 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ҳозирда факультетда алоқа воситалари, махсус алоқа, радиокоммуникация, телекоммуникация каби еттита мутахассислик бўйича бўлажак офицерлар тайёрланмоқда. Беш йиллик ўқиш жараёнида курсантлар нафақат назарий, балки амалий билимларини ҳам мустаҳкамлайдилар.

— Машғулотларни ташкил этишда мана шу икки жиҳатнинг ўзаро уйғунлигига алоҳида эътибор қаратаётганимиз бежиз эмас, — дейди Махсус факультет ўқув бўлими бошлиғи, подполковник Саидаҳад Парсиев. — Сабаби, назарий ва амалий машғулотларда тобланган бўлажак мутахассислар келгусидаги хизмат фаолиятларида зиммаларига юклатилган ҳар қандай вазифани ишонч ва қатъият билан адо этишга қодир бўладилар.

Таълим муассасасида курсантлар учун бадиий йўналишдаги ҳамда техника соҳасига оид кутубхоналар ташкил этилган. Мазкур зиё масканида улар учун зарур бўлган адабиётлар ва ўқув қўлланмалари етарли. Спорт мажмуасидаги шароит ҳам ҳавас қилса арзигулик. Ётоқхоналар эса шинам ва ёруғ, бу ерда ҳар икки курсант учун биттадан хона ажратилган.

(Давоми 2-бетда).

***Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Президентимизнинг Янги — 2010 йил кириб келиши муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригини ўқиганимизда ушбу ҳақиқатга яна бир бор амин бўлдик.***

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДАМИЗ

Зеро, ўтаётган йиллар, тарих қатига муҳрланаётган умримиз давомида "Биз нима иш қилдик, шу юрт, шу Ватанга наф бўлгилик қандай ҳисса қўшдик?" деган дилдаги саволларга Юртбошимиз табригидан жавоб топдик, десак янглишмаймиз.

Истиқлолнинг илк йиллариданоқ олға сурилган эзгу ғоялар вақт ўтгани сайин ўзини оқламоқда. Жаҳонда кузатилаётган иқтисодий тангликка қарамай, аниқ дастурлар асосида ҳар жиҳатдан равнақ топиб бораётган мамлакатимиз Президентимиз раҳнамолигида жаҳоннинг манаман деган давлатлари қаторидан барқарор ўрин эгалламоқда. Тараққиёт сари бундай дадил одимлаш эса "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган янги йилда ҳам давом этиб, улкан натижаларга эришишимизга имоним комил.

### Дил сўзи

Эътибор инсонни рағбатлантириб, унинг истеъдодига қанот бағишлайди. Шу маънода, фахр ва ғурур билан айтишим мумкинки, мен истиқлол йилларида Президентимизнинг беқиёс ғамхўрлиги оғушида минглаб фарзандлар қатори камол топдим, ўқидим, ўргандим. Айни пайтда Тошкент фармацевтика институтининг "Дорилар технологияси ва фармация ишини ташкил этиш" ихтисослиги бўйича аспирантиман. Изланишларим натижасида жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори бўлдим. Буларнинг барчаси, аввало, юртимизда навқирон авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Президентимиз Янги йил табригида айтганларидек, улуғ мақсадимиз — келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш жараёни биз, ёшларнинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Ушбу улуғвор масъулиятни дилдан ҳис қилган йигит-қиз борки, юртига ҳам, яқинларига ҳам қувонч ҳадя этгулик муваффақиятларга эришаверади.

Табрикдаги мана бу рақамларга эътибор берайлик: 2010 йилнинг давлат бюджети харажатларининг 59 фоиздан ортиғини айнан социал харажатлар ташкил этади, фақатгина соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия соҳасига давлат харажатларининг 50 фоиздан зиёди йўналтирилади. Бевосита соҳамга дахлдор бўлгани учун бундай эътибордан фахрланиб кетдим. Биргина тиббиёт соҳаси ривожи учун 1 триллион 700 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилдагига нисбатан 30 фоизга кўп, демакдир.

Бундай ғамхўрлик кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Ўтган йилларга назар ташлайдиган бўлсак, соғлиқни сақлаш тизимида оламшумул янгиликларга эришилди. Марказий жойлардан тортиб энг чекка қишлоқларимизда ҳам замонавий тиббиёт масканлари, дорихоналар фаолияти йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси истиқлол аталмиш қутлуғ неъмат ва Президентимизнинг чексиз ғамхўрлиги шарофатидандир, албатта!

Эзгу ниятлар билан "Баркамол авлод йили" деб номланган 2010 йилда ҳам давом эттириладиган бундай улуғвор бунёдкорлик ишлари эса биз интилаётган буюк келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

**Сарвар АЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори.**

# МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

## қишлоқдаги саноат ривожида муҳим аҳамиятга эга

***"Фермер фаолияти фақат ғалла ёки пахта етиштириш билан чекланиб қолмаслиги керак. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлашни йўлга қўйиши, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириши ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак", деб таъкидлаган эди Президентимиз 2009 йилнинг 2 июль куни Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги ходимлари билан учрашуви чоғида.***

Дарҳақиқат, қайта ишлаш — кони фойда. Нега деганда, фермер хўжалиги қошида кичик цехларнинг ишга туширилиши билан, аввало, янги иш жойлари очилади, мева-чевани замонавий усулда қайта ишлаш имконияти вужудга келади. Бу билан пишиқчилик мавсумида исрофгарчиликларнинг олди олиниб, ички бозор тайёр маҳсулотлар билан тўлади. Пировардида мулкдорнинг даромадига даромад қўшилади.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, бугун қишлоққа саноатни олиб кириш, хусусан, мева-сабзавотни қайта ишлашни кенгайтиришга эътибор кучайгани бежиз эмас. Чунки юртимизда хом ашё — мева-чева, полиз-сабзавот маҳсулотлари ниҳоятда сероб. 2009 йилда мамлакатимизда экин ерларининг оптималлаштирилиб, экинлар тўғри жойлаштирилганлиги туфайли 7 миллион тоннадан ортиқ ғалла, 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта етиштиришдан ташқари, аввалги йилдагига нисбатан сабзавот тайёрлаш ҳажми 10,4, картошка 12,1, полиз экинлари маҳсулотлари 13,7, мева ва резаворлар 12,8, узум етиштириш 20,9 фоизга кўпайгани бунинг исботидир. Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, бу маҳсулотларнинг асосий қисми 5856,9 минг гектар ерда деҳқончилик қилаётган 105 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари томонидан тайёрланди.

Фермерларга замонавий ускуналарни сотиб олиш учун давлатимиз томонидан имтиёзлар берилгани, айтиш мумкинки, қишлоққа саноатни олиб киришни жадаллаштириб юборди. Анъанавий ўтказиб келинаётган "Uzbekistan AgrominitechExpo" ихтисослашган кўргазмалар эса бу жараёнда ажойиб бозор вазифасини ўтамоқда. Якунланган йилдаги кўргазма-савдода иштирок этган минглаб фермерлар уч мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, паррандачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, қуритиш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилгани бунга мисол бўла олади. Айни пайтда қарийб 30 минг қишлоқ ёшлари ушбу технологиялар ёрдамида импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

### Ислоҳот

— Биз боғимизда етиштирилган олмаларни ўзимиз қайта ишлашни йўлга қўйдик, — дейди Жиззахдаги "Жиззах олмачи" фермер хўжалиги раҳбари Худойберди Норбеков. — Бунинг учун хорижнинг қиймати 148,8 миллион сўмлик замонавий технологиясини олиб келиб ўрнатдик. Бунда, айниқса, "Агробанк" томонидан 94 миллион сўмлик кредит ажратилгани қўл келди. Бу ускуна ёрдамида 15 гектар боғимиздан териб олинган олмадан ташқари, аҳоли ва фермер хўжаликларидан қабул қилинган нок, ўрик, беҳи, анор, олхўри, шафтоли сингари меваларни қайта ишлаб, бугунгача 40 тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрладик. Бу ҳам қўшимча даромад-да! Мана, қайта ишлашнинг самараси!

Таъкидлаш керакки, қишлоқ мулкдорларининг қайта ишлаш борасидаги тажрибасини ошириш, тармоқ самарадорлигини кўтаришда Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан кўрсатилаётган консалтинг хизматлари, уюштирилаётган кўргазмали семинарларнинг аҳамияти ҳам катта бўлмоқда. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган "Фермер хўжаликлари фаолиятига қайта ишлашни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кооперацияни ривожлантириш" лойиҳаси — шулардан бири.

Гап шундаки, уюшма ташаббуси билан ўтган йили ушбу мавзуда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўргазмали семинарлар ўтказилди. Унда чет давлатларнинг қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқарувчи корхоналари вакиллари, соҳа мутахассислари иштирок этгани, таъбир жоиз бўлса, фермерлар учун тажриба мактаби вазифасини ўтади. Чунки тадбир жараёнида қайта ишлаш борасида тажриба тўплаган илғор фермерлар ютуқлари оммалаштирилиб, 5-10 та фермер хўжалиги

(Давоми 3-бетда).

# ҚИШЛОҚ АҲЛИ УЧУН ШИНАМ УЙ-ЖОЙЛАР

***Истиқлол юртимиз фуқароларига ўзларининг яшаш шароитларини яхшилаш, қулай ва замонавий уй-жойлар барпо этиб, мазмунли ҳаёт кечириш имконини берди. Бугун шаҳар ва қишлоқлар харитасига назар солган киши бу борадаги ўзгаришларни дарҳол пайқаб олади.***

Зеро, бири-биридан гўзал мактаблар, коллежу лицейлар, муҳташам иншоотлар, ҳовли-жойлар, замонавий бозорлар, кенг ва ёруғ кўчалар — буларнинг бари Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда бунёдкорлик юмушларининг кенг қулоч ёйгани самарасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимиз томонидан истиқлолимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган томорқа учун ер участкалари ажратиш, уй-жой қурилишини рағбатлантиришга доир Фармон қишлоқ қурилиши истиқболининг мустаҳкам пойдевори бўлди. Унинг ижроси доирасида амалга оширилган кенг миқёсли ишлар натижасида якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўлами кенгайди. Жойларда кўзни қувонтирадиган, бири-биридан чиройли ғиштин ҳовли-жойлар қад ростлади. Бироқ улар орасида шошмашошарлик билан, хом ғиштдан тикланган бинолар ҳам учрайди. Уларни барпо этиш пайтида деворлар орасига бирор бир мустаҳкамловчи восита ишлатилмаган. Кучсизгина ер силкиниши ёки бошқа ташқи таъсирга ҳам бардошсиз. Шундай ҳолатларни эътиборга олиб, кейинги пайтларда давлатимиз томонидан қишлоқларда ҳар жиҳатдан мустаҳкам уй-жой биноларини қурилишини авж олдириш, бунинг учун қурилиш индустриясининг янги қувватларини барпо этишга қаратилган бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари томо-

### Бунёдкорлик

(Давоми 3-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Сувни мувофиқлаштирувчи иншоот

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Мўйноқ туманидан ўтадиган Қозоқдарё каналида сувни мувофиқлаштирувчи иншоот — бош тарнов фойдаланишга топширилди.***

Бунинг учун Халқаро Оролни қутқариш жамғармасининг 1 миллиард 395 миллион сўмлик маблағи сарфланди. Қурилиш-монтаж ишларини Нукусдаги "Оролсувқурилиш" компанияси бажарди. Ҳозирда Амударёдан Қозоқдарё каналига ўтадиган сувни сунъий кўлларга йўналтириш ушбу иншоот орқали амалга оширилаётир. Бу эса сув исроф бўлишининг олдини олмоқда.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Работиқозида янги корхона

***БУХОРО туманидаги Работиқози қишлоғида "Турхалработиқозитекс" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси иш бошлади.***

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 4,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Айни пайтда 100 киши меҳнат қилаётган жамоада дастлабки 50 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Айтиш лозимки, қўшма корхона жамоаси жорий йилда 3 миллион АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қишда ёз неъмати

***ЖИЗЗАХ. Мирзачўл туманидаги "Ўзбекистон бахмали" фермер хўжалиги раҳбари О. Болиев ўтган йили банкдан олган 30 миллион сўмлик кредити ҳисобига иссиқхона қурганди.***

Янги йилнинг дастлабки кунларида фермер жиззахликларнинг байрам дастурхонига 3 тоннадан зиёд помидор, бақлажон, булғор қалампири ҳамда турли кўкатларни етказиб берди. Шунингдек, 14 киши меҳнат қилаётган иссиқхонада ноёб гуллар ҳам парваришланмоқда.

Айни пайтда фермер хориж технологияси асосида шафтоли, узум ва цитрус мевалари етиштиришни ҳам мақсад қилиб қўйган.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ЕНГИЛ КОНСТРУКЦИЯЛИ ИССИҚХОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

***2009 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда***

**866 та янги иссиқхона барпо этилди.**

Муқобил иситиш манбаларидан фойдаланувчи ана шу енгил конструкцияли иссиқхоналар бугунги кунда республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш йўлида хизмат қилмоқда.



***Хабарингиз бор, 2009 йил 16 апрель куни "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Президентимиз томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинган эди. Ўтган даврда таҳририятимизга ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши хусусида газетхонлардан кўплаб хатлар келди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи А. ШАРАПОВдан мазкур саволларга жавоб беришни илтимос қилдик.***

# МАЖБУРИЙ СУҒУРТА – ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ОМИЛИ

Қонун ва ижро

**— "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг асосий мақсади нималардан иборат?**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Шу маънода, мамлакатимиз ривожланишининг ижтимоий устувор йўналишлари фуқароларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини, меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва аҳоли турли қатламларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича яратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштириб боришни тақозо этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ходимнинг соғлиғига меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши сабабли етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлигини назарда тутади.

Бозор муносабатлари шароитида, биласиз, иш берувчи корхона ёки ташкилотнинг тўлов қобилиятсизлиги, банкрот бўлиши ёки тугатилиши натижасида ҳар доим ҳам ходим олдидаги мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажара олмайди.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки вафот этиши муносабати билан ходимга (наф олувчига) етказилган зарарни қоплаб бериш бўйича иш берувчининг харажатлари, айниқса, ходим вафот этган тақдирда, бир йўла бериладиган нафақа ҳамда унинг қарамоғида бўлган вояга етмаган болаларига ва бошқа шахсларга бир неча йиллар давомида ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш зарурлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у анча катта миқдорда бўлиши аниқ. Бу харажатлар иш берувчининг молиявий ҳолатига, мабодо унинг молиявий имкониятлари чекланган бўлса, сезиларли даражада таъсир қилиши, ҳатто, уни банкрот ҳолатига келтириб қўйиши ҳам мумкин.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг асосий мақсади — ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашиш ҳамда зарарни қоплаш билан боғлиқ иш берувчининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Бу билан, табиийки, бир йўла бериладиган нафақа ва ойма-ой тўланиши лозим бўлган зарар пулларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланади.

**— Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони қандай тўловларни ташкил этади?**

— Суғурта товони, асосан, қуйидаги тўловлардан иборат:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўлов ёки касб касаллиги аниқлангунга қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланадиган ҳар ойлик тўлов;

марҳумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридаги, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин етказилган зарарнинг ўрни қопланишига ҳақли бўлмаган, меҳнатга қобилиятли шахсларга тўғри келадиган улуш чегириб ташланган ҳолдаги ҳар ойлик тўлов;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жабрланувчига ёки наф олувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлови;

ходим вафот этган тақдирда, мажбурий суғурта қилиш шартномасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги дафн этиш харажатлари.

Буларнинг бари иш берувчининг қўшимча харажатларини, қонун ҳужжатларига мувофиқ, компенсация қилиш тарзида амалга оширилади.

**— Суғурта компаниялари томонидан тўланадиган суғурта товонининг миқдори қанча бўлиши мумкин?**

— Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади. Бунда мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пули миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда тўланади (суғурта пулидан ортиқ қисми иш берувчи томонидан тўланади).

Агар суғурта ҳодисаси натижасида иш берувчида бир нафардан кўп ходим олдида жавобгарлик пайдо бўлса ва у суғурта пулидан ортиқ бўлса, мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони ҳар бир жабрланувчига ёхуд наф олувчига унинг етказилган зарар умумий миқдоридаги улушига мутаносиб равишда, аммо мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

**— Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қачондан бошлаб амалга оширилмоқда?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарорига кўра, "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари" тасдиқланган. Иш берувчилар фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни ушбу қоидалар талаблари асосида амалга оширадилар.

Муддатига келсак, иш берувчи, у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ёки иш берувчилар — жисмоний шахслар учун меҳнат шартномаси (контракт) тузилган санадан бошлаб, 15 иш кунидан кечикмай, ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиши шарт.

**— Қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятнинг иш берувчи томонидан бажарилишини назорат қилиш вазифаси кимнинг зиммасига юклатилган?**

— Мажбурий суғурта қилиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятнинг иш берувчи томонидан бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

**— Қонунда суғурта ҳодисасининг олдини олишга қаратилган яна қандай чора-тадбирлар назарда тутилган?**

— Жуда ўринли савол. Қонуннинг 18-моддасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан иш берувчиларга тегишли тавсиялар бериш бўйича суғурталовчиларнинг ҳуқуқлари белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, суғурталовчилар суғурта ҳодисалари мумкин қадар кам бўлиши ёки умуман бўлмаслигининг тарафдоридир. Демак, бу борада суғурта компанияларининг молиявий кўмаги асосида ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги давлат меҳнат техник инспекторларининг ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасига кириб бориши мумкин бўлган имкониятларини бирлаштириб, бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкиллаштиришга ҳамда ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишида иш берувчиларга кўмаклашиш (тавсиялар, буклетлар, плакатлар ва бошқалар орқали), шунингдек, суғурта ҳодисаларининг олдини олиш бўйича профилактик ишларни янада кучайтиришимиз лозим.

***«Халқ сўзи» мухбири* И. ЎТБОСАРОВ суҳбатлашди.**

# ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИГА ҚИЗИҚИШ УЙҒОНМОҚДА

Дунё нигоҳи

***"Деловой Казахстан" ҳафтаномасида ушбу нашр мухбири Виктория Зайцеванинг "Ўзбекистон банкларида дахлсизлик" сарлавҳали мақоласи чоп этилди. Мақолада кечаётган глобал инқироз шароитида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури туфайли Ўзбекистон банк-молия тизимининг ишончлилиги ҳақида сўз юритилади.***

"Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида банк-молия тизимининг барқарорлиги дунёнинг барча мамлакатлари кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бизнинг қўшнимиз, Ўзбекистон Президент Ислом Каримов раҳбарлигида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури туфайли, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари ва банк-молия тизимининг барқарорлигини сақлаб қолган ҳолда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини четлаб ўтишга эришди", дейилади нашрда.

Мақолада банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг ресурс базаси ҳамда иқтисодиётнинг реал секторида уларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон тижорат банкларининг ялпи капитали 2009 йилнинг 9 ойи давомида 2008 йилнинг ушбу давридагига нисбатан 41,2 фоизга, банкларнинг активлари 30 фоизга, аҳоли ва юридик шахсларнинг депозитлари 50,9 фоизга, шу жумладан, аҳоли ва кредит берувчи ташкилотларнинг депозитлари 68,8 фоизга ошгани қайд этилади. 2009 йилнинг уч чораги якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси банклари капиталининг етарлилик миқдори 23,4 фоизни ташкил этди. Бу эса Базель қўмитаси томонидан қабул қилинган стандартлардан (8 фоиз) қарийб 3 баравар кўп демакдир.

Мақола муаллифи барқарорликнинг сақланиши мамлакат банк тизимининг муносиб даражада турган мавжуд ликвидлигига ижобий таъсир кўрсатиб, Ўзбекистон банкларини халқаро майдонда энг ишончли ва барқарор шериклар қаторига қўйиши ҳақида сўз юритади. Ушбу кўрсаткич доллар эквивалентида 1,7 миллиард АҚШ доллари, яъни банкларнинг ташқи тўловлар борасидаги мавжуд мажбуриятларидан 10 баравар кўп, демакдир. Ахир бу тизимнинг юқори даражада барқарорлигини тасдиқлайди. Таъкидлаш жоизки, банк тизимидаги "хавфсизлик ёстиқчаси" 1 триллион 485 миллиард сўмни (салкам 1 миллиард АҚШ долларини) ташкил этади.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ва мамлакат молиявий тизимини янада либерализациялаш жараёнида рўёбга чиқарилган тадбирлар туфайли, Ўзбекистон банк тизими кўрсаткичлари нафақат халқаро стандартлар талабларига жавоб бера олади, балки ўзида қатор меъёрлар бўйича янада барқарорлик суръатларини ҳам намоён этади. Ўзбекистон банкларида ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш ва ҳар чоракда банк кенгаши олдида уларнинг кредит, инвестиция ва амалиёт сиёсатининг қўлланилиши бўйича ҳисоботларини эшитиш тартиби киритилган.

Нашрнинг қайд этишича, халқаро стандартларга асосланган самарали банк назоратининг амалга оширилиши, ликвидлилик ва активлар сифатининг доимий мониторинги Ўзбекистон тижорат банкларига етакчи рейтинг агентликларининг ижобий баҳосини олиш имкониятини берди. Бугунги кунда (банк тизимида жами маблағда активлар миқдори 90 фоиз атрофида бўлган) 14 та тижорат банки Moody's, Fitch ва Standart & Poor's каби етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан "барқарор" деган рейтинг баҳосини олди.

Ўзбекистонда банк тизимини ислоҳ қилиш ва либерализациялаш дастурининг устувор йўналишларидан бири тижорат банкларида халқаро стандартлар ва ҳуқуқий меъёрларга мос келадиган корпоратив бошқарувни институтуционал мустаҳкамлашдир. Кўплаб банкларда акциядорлар ва банк бошқаруви кенгашининг ролини ошириш учун корпоратив бошқарувнинг замонавий тизими жорий этилган, акциядорларнинг манфаатларини ҳимоялаш ва капиталлашувни мустаҳкамлаш механизми яратилган.

Қозоғистон ҳафтаномаси Ўзбекистон Республикаси банк тармоғи ўсишининг асоси кўпроқ ички ресурс манбалари (акциядорлар маблағлари, аҳоли депозитлари ва хўжалик субъектлари) саналиши муҳим аҳамият касб этувчи далил эканини таъкидлайди.

Ўтган йилнинг 9 ойи якунларига кўра, тижорат банклари умумий ресурс базасида ташқи қарз улуши 6,6 фоиздан ошмади, яъни бу мажбуриятнинг сифат хусусиятига таъсир кўрсатмади. Ташқи қарз узоқ муддатга, фақат инвестиция дастурларини молиялаштиришга, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш дастурига киритилгани ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жалб қилинмоқда. Ўзбекистон банк тизими бошқа иқтисодий тизимлардан ривожланишнинг мана шундай жиҳатлари билан фарқ қилади, яъни ташқи инқироздан мамлакат банкларининг "дахлсизлиги" жуда юқори даражада таъминланган.

Мақола Жаҳон валюта жамғармаси ижрочи директорлари миссиясининг яқинда Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи якунида мамлакат иқтисодий сиёсатига берган ижобий баҳоси билан якунланади: "Ўзбекистон иқтисодий инқироз даврида ўсиш суръатини таъминлаш учун ҳукуматга зарур бўлган ресурсларни излаб топишга ҳамда инқирознинг олдини олишга имкон берган пухта сиёсатни амалга ошириши натижасида, шунингдек, жаҳон молиявий бозорларида иштирок этиш борасида юритган оқилона сиёсати туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирига нисбатан барқарорликни намойиш этди".

**«Жаҳон» АА.**
Алмати

Яхши хабарлар

***Қорақалпоғистонда БМТнинг Ривожланиш дастури доирасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.***

## Дастур ижроси – амалда

Жумладан, дастурнинг "Ҳудудни комплекс ривожлантириш лойиҳаси" бўйича Чимбой туманидаги 52-умумтаълим мактаби биноси барпо этилди. Мўйноқ туманидаги 9-умумтаълим мактабига 550 метрлик табиий газ қувури тортилиб, иситиш тизими яхшиланди. Айни вақтда Тахтакўпир туманидаги иккита мактабда таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

**А. ҲИДОЯТОВ.**

## Модернизациялаш шарофати

***Хоразм вилоятида паррандачиликни ривожлантириш ҳамда ушбу тармоққа ихтисослашган корхоналарни модернизация қилишга катта эътибор берилмоқда.***

Жумладан, "Асл парранда" масъулияти чекланган жамиятига Россия ва Туркиянинг умумий қиймати 215 минг АҚШ долларилик замонавий ускуналари олиб келиб ўрнатилгач, ишлаб чиқариш суръати ошди. Жамоа 2009 йилнинг 11 ойида истеъмолчиларга 550 миллион сўмлик парҳез гўшт ва тухум маҳсулотлари етказиб берганлиги эътиборга молик.

**О. РАҲИМОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## «Барлос асали» – эл дастурхонига

***Қорасув туманидаги "Барлос асали" фермер хўжалиги раҳбари О. Мирзаев маҳсулот сифати ва унумдорлигига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.***

Шу мақсадда у Хитойдан асални қадоқлайдиган дастгоҳларни олиб келиб, ишга туширди. Натижада кунига 500 килограмм маҳсулотни бежирим идишларга қадоқлаш йўлга қўйилди. 14 кишилик ушбу жамоа шу кунгача истеъмол бозорига 5,5 тонна қадоқланган асал етказиб берди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР

## Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт осойишталиги ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар

(Давоми. Боши 1-бетда).



Махсус факультет курсантлари Қуролли Кучларимиз тизимидаги олий ҳарбий билим юртлари ўртасида ўтказиладиган турли кўрик-танловларда ҳам доимо фаол иштирок этиб келишади. Жумладан, ўтган йили Мудофаа вазирлигининг ҳарбий ўқув муассасалари ўртасида бўлиб ўтган I ёзги Олимпиадада қатнашган бўлажак офицерлардан Акром Абдувалиев бокс, Рустам Аҳметов эса юз метрга эркин сузиш мусобақасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

— Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилардим, — дейди Махсус факультет бешинчи босқич курсанти Рустам Аҳметов. — Бугун мана шундай ажойиб таълим даргоҳида таҳсил олаётганимдан фахрланаман. Бизга оталарча ғамхўрлик кўрсатиб, ҳаётда ўз йўлимизни топиб олишимиз учун ҳамма шароитларни яратиб бераётган Юртбошимиздан миннатдормиз. Бу эътиборга жавобан яхши ўқиб, келгусида соҳамизнинг етук мутахассиси сифатида Ватанимиз тинчлигини асраш, равнақига ҳисса қўшиш асосий мақсадимиздир.

Рустамдаги бундай эзгу ният, қатъийлик ва дадилликни бошқа курсантларда ҳам кўрдик. Уларга боқиб, бугунги осойишта ҳаётимиз ишончли қўлларда эканига яна бир карра амин бўлдик.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук инсонлар этиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ва бошқа мақсадли давлат дастурлари ижроси доирасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар жаҳон андозалари даражасидаги мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим даргоҳларини бунёд этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, эртамиз эгаларининг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитда таълим-тарбия олишига хизмат қилмоқда.***

# ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

2010 йил — Баркамол авлод йили

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистонда 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши бу йўналишдаги эзгу ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир фарзандларимизни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан камол топтириш, етук мутахассис этиб тарбиялашда, аввало, уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга муҳим вазифа сифатида аҳамият берилмоқда. "Бугун ҳеч кимга сир эмаски, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шу мавзуга тўхталаркан, — биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар".

Таъкидлаш жоизки, бугун таълим муассасаларимиздаги ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларни илмий фаолиятга жалб этиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ҳозирда мавжуд олий ўқув юртларимизнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғи, касб-ҳунар коллежларининг эса 60 фоиздан зиёди Интернет тармоғига уланган. Билим бериш жараёнида, шунингдек, электрон дарсликлар, илғор педагогик технологиялар ҳам кенг қўлланиляпти.

Ўзбекистон таълим муассасаларининг жаҳоннинг энг нуфузли ўқув юртлари билан яқин алоқа ўрнатганлиги, хусусан, Тошкентда Буюк Британия, Италия, Россия, Сингапур каби давлатларнинг номдор институт ва университетлари филиаллари ташкил этилганлиги ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш илғор жаҳон андозалари асосида ташкил этилиши билан бир қаторда, профессор ва ўқитувчилар, талабаларнинг ўзаро тажриба алмашишлари, ҳамкорликда илм-фаннинг устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб боришлари йўлга қўйилган.

Маълумки, Ўзбекистон ноёб истеъдод эгалари юрти сифатида азалдан ном қозонган. Ҳозирги вақтда ҳам иқтидорли талаба ёшларимиз жаҳон илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган улуғ ватандошларимиз — Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек ва бошқаларнинг муносиб ворислари эканликларини амалда намойиш этмоқдалар. Уларнинг, жумладан, Тошкентда ўтказилган Халқаро Менделеев Олимпиадасида 13 та медални қўлга киритишгани ёки Германиянинг Бремен шаҳрида математика фани бўйича ўқувчи-ёшлар ўртасида ташкил қилинган халқаро Олимпиадада битта кумуш, иккита бронза медалини қўлга киритганликлари бунинг тасдиғидир.

Президентимизнинг "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойишида илм-фанни янада ривожлантириш, талантли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини намоён этишларига барча қулайликларни яратиш энг устувор вазифалар сифатида белгилаб берилди.

Кўпгина ривожланган давлатлар тажрибаси илм-фаннинг етакчи тармоқларида тадқиқот ишларини ташкил этиш, илмий изланишларни тезкорлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилишни йўлга қўйишда олий ўқув юртлари таркибидаги илмий марказларнинг роли ниҳоятда катта эканлигидан далолат бериб турибди. Масалан, АҚШдаги энг йирик илмий марказлар олий ўқув юртлари таркибидадир. Германияда давлат тузилмаси таркибида ёки мустақил бўлган 200 дан ортиқ илмий марказ фаолият кўрсатади. Бу мамлакатда қарор топган анъанага кўра, давлат томонидан молиялаштириладиган тадқиқотларнинг катта қисми олий ўқув юртларида олиб борилади. Бельгияда эса мамлакат бюджетидан илмий тадқиқотлар учун ажратилаётган маблағларнинг 40 фоиздан кўпроғи университетлардаги илмий марказларга йўналтирилади.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурини тайёрлашда Ўзбекистон Фанлар академияси билан бир қаторда олий таълим муассасалари тизимида янги лабораториялар яратиш, уларнинг хорижий илмий марказлар билан самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтириш энг муҳим вазифалар сифатида белгиланганлиги диққатга сазовор. Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, мамлакатимиз олимлари, шу жумладан, олий ўқув юртлари кафедралари, илмий марказлари ва лабораториялари жамоалари илм-фаннинг ғоят истиқболли йўналишлари — нано ва биотехнологиялар, замонавий ахборот технологиялари, дастурий таъминот каби соҳаларда жиддий изланишлар олиб бормоқдалар ҳамда қатор илмий ишланмаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тайёрлаб қўйганлар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Ўзбекистон иқтисодиётида ҳал қилувчи роль ўйнаётганлиги барчага яхши маълум. Бунга мисол сифатида уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 48,2 фоизга етганлиги, ижтимоий фаол аҳолининг 70 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётганлигини келтириш кифоя бўлса керак. Кейинги йилларда кичик бизнеснинг экспортдаги улуши ҳам ортиб бормоқда. Уларнинг жаҳон бозоридан янада муносиб ўрин эгаллашлари, экспорт салоҳиятини оширишлари, кўп жиҳатдан, ўз ишлаб чиқаришларига илм-фан ютуқлари, энг замонавий технологияларни тезкорлик билан жорий этишларига боғлиқдир.

Ўзбекистон жуда бой интеллектуал меросга, халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган замонавий таълим тизимига, илм-фани тараққий этган, жуда етук ва малакали мутахассисларига эга мамлакатдир. У саводхонлик даражаси бўйича ҳам бугунги кунда жаҳонда етакчи ўринни эгаллаб турибди. Баркамол авлод йилида жамиятимиздаги мавжуд ана шу улкан интеллектуал салоҳиятни янада бойитиш халқимиз олдига қўйган юксак мақсадларга эришиш учун қўшқанот вазифасини ўтайди.

**Қ. АБДУРАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, иқтисод фанлари доктори, профессор.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида



### Нефть яна қимматлашди

***Жаҳон бозорларида нефть нархи яна кўтарилди.***

Хусусан, Нью-Йоркдаги "NYMEX" биржасида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида "қора олтин"нинг бир баррели 83,89 АҚШ долларидан сотилган. Таъкидлаш жоиз, бу қиймат жаҳон иқтисодиётида танглик юзага келганидан буён мазкур маҳсулот нархида қайд этилган энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

### Кондаги бахтсизлик

***Хитойнинг Хунань музофотидаги конлардан бирида ёнғин содир бўлди, дейилади "Синьхуа" ахборот агентлиги хабарида.***

Оқибатда коннинг чиқиш йўлаги ёпилиб, 27 нафар ишчи ер остида қолиб кетган. Ҳозирда уларни қутқариш ишлари олиб борилмоқда. Воқеа сабаблари номаълум.

### Жиноятнинг олди олинди



***"Боку — Москва" темир йўли йўналишида содир этилиши мумкин бўлган йирик қўпорувчилик ҳаракатининг олди олинди.***

Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан маълум қилинишича, темир йўлга масофадан туриб ҳаракатга келтириладиган қўлбола портловчи қурилма ўрнатиб кетилган экан. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар туфайли хунрезликнинг амалга ошишига йўл қўйилмади. Ҳозирча бу қабиҳлик ортида ким тургани аниқ эмас.

### Музликлардан топилган самолёт

***Австралиялик тадқиқотчилар Антарктидада самолёт қолдиғини топишди.***

Бу ҳақда "The Times" нашри хабар тарқатди. Ҳаво лайнери бу ерга 1914 йилда учиб келган экан. Кейин эса номаълум сабабларга кўра, музликларда қолиб кетган. Аниқланишича, у Буюк Британиянинг "Vickers" компаниясига тегишли бўлиб, 1911 йилда ишлаб чиқарилган.

### Ноқонуний юк тўхтатиб қолинди



***Грециядаги Эвбея оролида Того давлатига тегишли юк кемаси қўлга олинган.***

Гап шундаки, "Митридат" деб номланган мазкур кемада текшириш ўтказилганда, унда ноқонуний равишда қиймати 3,9 миллион АҚШ долларига тенг 7,9 минг қути сигарета олиб кетилаётгани маълум бўлган. Ҳозирда унинг ўн бир нафар экипаж аъзоси ҳибсда ушлаб турилибди.

### Ичимлик ичида оғу

***Голландия ҳуқуқ-тартибот идоралари бир тоннадан ортиқ кокаин моддасини қўлга туширишди, дея хабар тарқатди "Reuters" ахборот агентлиги.***

Маълумотларга қараганда, қиймати 30 миллион АҚШ долларидан зиёд мазкур гиёҳванд модда Ямайкадан келган, ичига виски юкланган контейнердан топилган. Суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

***Касби туманидаги "Касби" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эсонбой Равшанов куз кунларидан бирида ёнига котиб ва посбонни олиб, йўл четидаги ташландиқ ерни ўзлаштиришга киришди. Ўша куни саҳармардондан қўйларининг оёғи чигалини ёзиб юрган бир отахон бундан воқиф бўлгач, набираларига кетмон келтиришни буюрди.***

# ЯХШИЛИКЛАР ОСТОНАСИ

— Яхши ўйлабсиз, раис, биз ҳам сиз билан, — деди ота набиралари билан ишга киришар экан.

Сўнгра велосипедда қаёққадир кетаётган монтёр йигит ҳам улар сафига қўшилди. Шундай қилиб, рўйи заминга қуёш нури тушмасдан туриб, ҳашарда қатнашаётган одамлар сафи қирқ-элликтага етди.

Эсонбой Равшанов — ана шундай инсон. Одамларни изидан эргаштиришни, яхшиликка, янгиликка чорлаш йўлини яхши билади. Доимо ниманидир ўйлаб юради. Ниятини амалга ошириш учун эса ўзи ташаббус кўрсатади. Унинг тили билан айтганда, маҳаллада бу каби ўзига хос ҳашарлар тез-тез ўтказиб турилади. Дарвоқе, ўша ҳашар бир ҳафта давом этди. Йўл четлари тозаланиб, арикча тортилди. Дарахт кўчатлари экилди.

— Маҳалламизда шинам уй-жойлар, равон йўллар, ҳашаматли супермаркетларнинг пайдо бўлиши, элнинг тинч-тотувлиги, юртга меҳрининг ортиб бориши, аслида, ана шу ташаббусларнинг ёрқин самарасидир, — дейди Эсонбой ака.

Яқинда шундай тажрибалардан яна бири ўзини оқлади. Маълумки, Касби маҳалласида азалдан машҳур кулоллар яшаб ўтган. Ҳозирги кунда уларнинг янги авлоди камол топмоқда. Эсонбой ака бир-иккита кўза, офтоба, товоқ ва бошқа ашёларни сотиб олиб, маҳалла идорасининг бир хонасига қўйган эди, орадан бир муддат ўтгач, бошқа кулоллар ҳам шу хонадан ўзларининг ижод намуналари учун жой ажратишни сўрашди. Қарабсизки, шу тариқа маҳаллада кўргазма зали пайдо бўлди. Ҳозир бу ерда кўплаб кулоллик намуналарини учратиш мумкин. Қишлоққа келган меҳмонлар мазкур кўргазмадан баҳраманд бўлади ва кулоллар билан учрашиш, ниманидир харид қилишни кўнглига тугади.

Бугунги кунда Бозор Итолмасов, Ўктам Аминов, Бахтиёр Сатторов каби кулоллар ясаган ашёлар маҳалладаги кўргазма залини безаб турибди. Маҳалла ташаббуси билан кулоллик буюмларини жойларга олиб бориб сотиш йўлга қўйилгани эса, ўз навбатида, ёшларни иш билан банд этишда қўл келмоқда.

Касби маҳалласида 5700 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда 1574 та оила яшашини ҳисобга олсак, ҳар бирининг ўзига хос қувонч ва ташвишлари бор. Энг муҳими, 137 та ёш оила доимо маҳалла эътиборида. Раиснинг гапларига кўра, маҳаллада яна бир муҳим статистик маълумот юритилади. Яъни, бир болали оилалар сони 1553 та, 2 болалилари 1243 та, 3 нафар боласи борлари 302 та, 4 ва ундан ортиқ фарзанд тарбиялаётган оилалар эса 407 та. Хўш, бу статистикадан кўзланган мақсад нима?

**Жараён**

— Бир ёки тўрт фарзандни тарбиялаётган ва шундан ортиқ боласи бор оилалар ўртасида кескин фарқ бўлади, — дейди Эсонбой ака. — Бу ерда гап фарзандларини едириш, ичириш ҳақида кетмаяпти. Балки устма-уст фарзанд дунёга келиши оқибатида оналарнинг заифлашиб қолиши кузатилаётганини айтмоқчиман. Бунда, табиийки, бола ҳам соғлом ўсмайди, тез-тез касалликларга чалинади. Соғлом ва баркамол авлодга ғамхўрлик қилиш, кучли ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш маҳалланинг асосий вазифасидир.

Маҳалламизда 18 ёшгача бўлган боласи бор оилалар 1105 та эканлиги доимо эътиборимизда. Бу ёшдаги фарзандларни тарбиялашда нафақат ота-оналар, балки маҳалла-кўй, оқсоқоллар, қўни-қўшни ҳам бурчлидир. "Бир болага етти маҳалла ота-она" деган гап бежиз айтилмаган.

Шу ўринда "Касби" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Касби, Эски Боғ, Боғ ва Дўрмон қишлоқларини ишлаб чиқариш корхонасига қиёсласак, хато бўлмайди. Чунки бу қишлоқлар хонадонларида 2280 бош қорамол, 3956 бош қўй-эчки, 3025 та парранда мавжуд бўлиб, улар аҳоли тўкинлигининг асосий манбаи саналади. Ўтган йилнинг 9 ойида 73700 дона тухум, 3 тонна сут ва 54 тонна гўшт етиштирилгани бунинг исботидир.

— Ҳовлимизда қорамол боқиб, ҳар йили 4,5-5 миллион сўм атрофида даромад олаяпмиз, — дейди Аслан бобо Равшанов. — Ҳукуматимиз томонидан биз каби уй меҳнати соҳибларига ғамхўрлик кўрсатилаётганлигидан жуда мамнунмиз. Айниқса, қишлоғимизда фермерлар ва аҳоли учун омихта ем сотиш шохобчасининг ишлаб тургани чорвачилик маҳсулотларининг таннархи арзонлашиб, сифати яхшиланишига хизмат қилмоқда.

"Маҳалла — қувонч ва ташвишлар остонаси", дейишади. Дарҳақиқат, яхшилик ва янгиликлар, азалий урф-одатлар, ҳаётий қадриятлар, жамият ва давлат манфаати маҳаллада сайқалланиб, юракларга сингдирилади. Бинобарин, мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари қадам ташланаётган экан, "Касби" маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилаётган ишлар бу саъй-ҳаракатларга ҳамоҳанг эканлиги билан диққатга сазовордир.

**Фахриддин БОЗОРОВ.**

---

# МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

## қишлоқдаги саноат ривожида муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Боши 1-бетда).

уюшган ҳолда, қайта ишлаш мажмуаларини барпо этиш сингари масалалар ҳам муҳокама этилди.

— Фермер хўжаликларида қайта ишлаш цехларини ташкил этишнинг истиқболи порлоқ эканлигини бизнинг хўжалигимиз фаолияти кўрсатиб турибди, — дейди Наманганлаги "Чашмаи сафед" фермер хўжалиги раҳбари Ҳамидхон Мўйдинхўжаев. — Аслида, хўжалигимиз чорвачиликка ихтисослашган. 730 бош қорамолни парваришлаяпмиз. 189 гектар еримиз бор. Шунинг 76 гектарида чорва учун озуқа, 30 гектарида ғалла, 23 гектарида эса пахта етиштирамиз. Деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари, сифатли сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқараётганимиз туфайли даромадимиз янада ошмоқда.

Дарҳақиқат, бугун "Чашмаи сафед" ёрлиғи туширилган маҳсулотларни аҳоли севиб харид қилмоқда. Чунки фермер таклиф этаётган 12 хилдаги сут ва турли хилдаги колбаса маҳсулотлари юқори сифати, бежирим қадоқланганi билан аҳолига манзур бўлаётир.

Қувонарлиси, юртимизда бундай омилкор фермерлар сафи йил сайин кенгайиб бораяпти. Улар ички бозорни озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга муносиб улуш қўшаяптилар. Бу давлатимизнинг беқиёс кўмаги билан фермерларнинг тадбиркорлик салоҳияти тобора юксалиб, уларнинг қайта ишлаш саноатида ҳам тажрибаси ортиб бораётганидан далолатдир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

---

**Меҳнат муҳофазаси**

***Ҳаёт тасодифларга тўла. Баъзан эҳтиётсизлик, бепарволик ва лоқайдлик ишлаб чиқариш жараёнларида турли кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай пайтларда бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқишини ўрганиш, унга холис баҳо бериш, тегишли меъёрий ҳужжатларни тайёрлаб, мутасадди ташкилотларга юбориш ва охир-оқибат жабрдийдага ёрдам кўрсатиш ташкилотимиз зиммасидаги асосий вазифадир.***

# САЛОМАТЛИК САМАРАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

"Андижон-1" пахтани қайта ишлаш акциядорлик жамияти ишчиси Д. Қамбаров ҳамда 53-мактаб ўқитувчиси Д. Расулов тақдирнинг оғир қисматига дуч келишди. Автоҳалокат туфайли оилалар бошига мусибат тушди. Ташкилотимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг масъуллари билан биргаликда мазкур воқеанинг келиб чиқиш сабабларини ўрганди. Мутасадди ташкилотларга таклифлар киритилди. Охир-оқибатда Дилмурод Расуловнинг оила аъзоларига 22 миллион 514 минг сўмдан ортиқ товон пули ундириб бериладиган бўлди. Бундан ташқари, меҳнат қонунчилиги, амалдаги меҳнат муҳофазасига доир тартиб ва қоидаларни бузганлардан 504 минг сўмдан зиёд миқдорда жарима ундирилди. Икки нафар мансабдор шахс эса ўз вазифасидан озод қилинди.

Саломатликдан ортиқ неъмат йўқ. Бу эса, кўп жиҳатдан, иш жойингизда яратилган муҳит, шарт-шароитларга боғлиқ. Биз "Руббер траст" хусусий корхонаси, "Элга хизмат" масъулияти чекланган жамиятида бўлганимизда, иш тўғри ташкил этилгани туфайли кейинги йилларда ушбу муассасаларда биронта ҳам бахтсиз ҳодиса келиб чиқмагани маълум бўлди. Аксинча, уларда янги, илғор технологиялар ўрнатилиб, импорт ўрнини босувчи, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Масалан, "Руббер траст" хусусий корхонасининг резина оёқ кийимлари ташқи бозорда ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, қисқа вақт ичида 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги пойабзал маҳсулотини хорижга экспорт қилди.

Ҳа, оиласидан, иш жойидан кўнгли тўқ, сиҳат-саломатлиги жойида бўлган инсонларнинг ишида унум бўлади. Шу маънода, ҳар бир корхона ва ташкилотда меҳнат муҳофазаси қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиниши юртдошларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Ғофуржон ТОЖИБОЕВ,**
**Андижон ва Жалақудуқ туманлараро давлат меҳнат ва техника инспекцияси мутахассиси.**

---

# ҚИШЛОҚ АҲЛИ УЧУН ШИНАМ УЙ-ЖОЙЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

нидан 2009 йилнинг 3 августида имзоланган "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор шулардан бири бўлиб, мазкур ҳужжат соҳа ривожида янги босқични бошлаб беради.

Наманган вилоятида ҳам унинг ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган қисқа даврда бир қатор қишлоқларда янги тураржой даҳалари барпо этишнинг намунавий лойиҳаси тайёрланиб, рўёбга чиқариш бошланди. Режага кўра, биринчи босқичда коттеж типидаги 190 та бир ва икки қаватли тураржой биноларини тиклаш кўзда тутилган.

Ҳозирга қадар эса 6 та янги даҳанинг лойиҳаси учун ер майдонлари ажратилиб, қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Масалан, Наманган туманининг вилоят марказига ёндош қисмидан ўтган шимолий айланма йўл ёқасида 40 та икки қаватли коттеж қад ростлаяпти. Айни пайтда мазкур тураржой биноларида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаётир. "Қишлоқ қурилиш банк"нинг молиявий кўмаги билан тикланаётган ва хонадон ичида шинам меҳмонхона, катталар ҳамда болалар учун алоҳида ётоқхона, ошхона ва ҳаммом мавжуд бу коттежлар уй соҳибига тайёр ҳолда топширилади. Бундан ташқари, ҳовлида айвонча, молхона сингари ёрдамчи бинолар, ҳатто ишкомлар ҳам бўлиши кўзда тутилганки, улар шаҳарнинг мухташам ҳовлиларидан асло қолишмайди.

Намунавий лойиҳага кўра, 6 та янги даҳадан бири Косонсой туманининг Қўқумбой қишлоғидаги "Булоқ" мавзеида бунёд этилиши кўзда тутилган. Тоғолди минтақаси бўлган бу жойнинг сейсмик хусусияти ҳисобга олиниб, "Ўзқишлоқлойиҳа" ОАЖнинг коттеж типидаги бир қаватли тураржой лойиҳаси танланди. Яқин кунлар ичида битказиладиган 20 та замонавий бинода барча шарт-шароит муҳайё этилади. Тез орада тураржойлар сони 40 тага етказиладиган мазкур янги даҳада деҳқон бозори, савдо дўконлари, сартарошхона ва устахона сингари сервис хизмати шохобчалари барпо этилиши ҳам диққатга сазовордир.

Юртбошимиз вилоят аҳли билан учрашувларнинг бирида қишлоқларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган шинам тураржойларни қуришга эътибор кучайтирилиши зарурлиги, узоқ муддатга ярайдиган бу бинолар икки-уч авлодга хизмат қилиши, улар атрофида қад ростлайдиган маиший хизмат ва сервис шохобчалари аҳоли ҳаётига ўзгача мазмун киритиши лозимлиги хусусида алоҳида таъкидлаган эди. Бу борада юқорида қайд этилган қарор ижроси юзасидан бошланган кенг миқёсдаги амалий ишлар қишлоқ аҳлига ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

---

# ИЗЛАНИШ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

***Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги "Янгиер" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида якунланган йилда наслли моллар чорвачилик мажмуаси тўлиқ ишга туширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тақдимот маросимида иштирок этганлар Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори республикамизнинг барча вилоятлари қаторида Сирдарёда ҳам наслли молларни кўпайтириш истиқболини белгилаб берганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.***



Гап шундаки, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси тизимидаги "Sirdaryo IES" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли мазкур чорвачилик мажмуасида қорамолларни етарли озуқа захираси билан таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг қарори асосида 720 гектар ер ажратиб берилган. Жамият бошқаруви директори Раҳим Толиповнинг айтишича, 2008 йилнинг октябрь-декабрь ойларида Беларусь Республикасидан босқичма-босқич 486 бош "Гольштен — Фриз" зотли сигирлар келтирилган эди. Бу салқин минтақада боқилган молларни Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитига мослаштириш имконини берди.

— Қисқа муддатда мажмуада реконструкция ишларини амалга ошириб, уни энг илғор, жаҳон андозаларига мос асбоб-ускуналар, технологиялар билан жиҳозлашга эришдик, — дейди Раҳим Толипов. — Бинолар ҳам шунга яраша таъмирланди. Қурилиш-монтаж ишларини эса бош пудратчи сифатида "Иссиқлик электромонтаж" давлат акциядорлик жамияти жамоаси қойилмақом қилиб бажарди. Шу мақсадларга жами 11 миллиард сўм маблағ сарфланди.

— Исроил давлати технологияси асосида 32 бош қорамолни бир вақтнинг ўзида соғиб олувчи компьютерлашган цех ишга туширилгани айни муддао бўлди, — дея суҳбатга қўшилади чорвачилик мажмуаси бошлиғи Ойбек Нурмуҳаммедов. — Бунинг самарадорлиги беқиёс. Аввало, сут соғиш жараёни тезлашиб, сифати ошади. Қолаверса, ҳар бир сигирнинг оёғида махсус микрочиплар ўрнатилган бўлиб, бу уларнинг соғлиғи тўғрисидаги маълумотдан бохабар бўлиб туриш имкониятини яратади. Шу билан бирга, кунига соғиб олинган сут миқдори, сифати, сигирнинг вазни, маҳсулдорлигини компьютер маълумоти асосида таҳлил қилиб бориш мумкин. Буларнинг бари ветеринария хизматининг такомиллашганидан далолатдир.

**Чорвачилик**

Мажмуада қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан биргаликда қиш мавсумига етарли миқдорда ем-хашак базаси яратиш учун мавжуд майдонларга буғдой, маккажўхори, арпа, беда экинлари экилиб, уларнинг ҳосили йиғиштириб олингани ҳам қувонарлидир. Бу ишларни бажаришда 3 та комбайн, 3 та ҳайдов трактори, 14 та тиркама сотиб олингани қўл келди.

Бугунги кунда мажмуада маҳаллий ёшлардан 104 нафари меҳнат қилмоқда. Улар учун дам олиш, ювиниш хоналари бунёд этилиб, бошқа шароитлар ҳам яратилган.

— Ҳозир кунига 1,5 тонна сут соғиб олинмоқда, — дейди муҳандис Зоҳиджон Каримов. — Бу маҳсулот "Савдоэнерго" ташкилоти орқали "Сирдарёсайҳун" корхонасига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, шу кунгача 2-3 ойлик наслли 50 бошдан зиёд бузоқ аҳолига сотилди.

Чорвачилик мажмуасида қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Ҳозирда бу ерда сутни қайта ишлаш цехини фойдаланишга топширишга тараддуд кўрилмоқда. У 500 минг АҚШ долларилик хорижий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангач, пировардида етти хил сут маҳсулоти ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Улар сотувга чиқарилгач, халқимиз дастурхони янада тўкин-сочин бўлади.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

---

## Бўлакработнинг муҳташам бинолари

***Қизилтепа туманидаги Бўлакработ қишлоғидаги замонавий бинолар сони кичик корхоналар, минимаркет ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳисобига кўпайиб бормоқда.***

Яқинда уларнинг сафига маҳалла фуқаролар йиғини биноси қўшилди. Ушбу муҳташам бинони қуриш учун ҳомийлар томонидан 170 миллион сўм сарфланди. Айни пайтда туман "Маҳалла" жамғармаси етти миллион сўмлик бетон плита, "Амир Кулол ёди" МЧЖ эса 20 минг дона пишиқ ғишт етказиб берди. Шунингдек, уни турли мебель, компьютер ҳамда гиламу пойандозлар билан таъминлаш учун яна 140 миллион сўм сарфланди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

«ГРАНИТ» акциядорлик жамияти раҳбарияти
сифат менежменти тизими халқаро стандарт ИСО-9001-2008 сертификациялаш аудитига тендер эълон қилади.
*Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.*
Манзилимиз: Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Зиёвуддин шаҳарчаси. Телефон: 8-36626 36-201. Факс: 8-36640 31-326.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
☎ 236-09-25

«ROKA COMPANY» уруғчилик компанияси
Янги мавсум учун Испаниядан келтирилган юқори ҳосилдор маккажўхори уруғларини таклиф қилади.
*Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.*
Тел.: 257-44-01, 257-44-03, 100-83-13, 382-56-57.

---

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Шартнома-ҳуқуқ бошқармаси бошлиғи К. Қ. Рашидовга волидаи муҳтарамаси
**Гулчира ая РАШИДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор
**Омонулла Ҳошимович ҚОСИМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси фалсафа кафедрасининг собиқ мудири, доцент
**Эркин Юсупович ЮНУСОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Матонат

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида имконияти чекланган кишиларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, хусусан, спортга кенг жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолининг мазкур қатлами вакилларида қатъият, матонат, мустаҳкам ирода, эртанги кунга бўлган ишонч туйғуларини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

# «ИШОНЧ МЕНИ ҲАЁТГА ҚАЙТАРДИ»

Бундан тўрт йил муқаддам ташкил этилган Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциацияси ҳам имконияти чекланган спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларга халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун яқиндан ёрдам бериб келаяпти. Масалан, футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида Россия ҳамда Туркияда, шахмат бўйича заиф эшитувчиларнинг Швейцарияда ташкил этилган жаҳон чемпионатларида, Германия, Словакия, Жанубий Корея, Малайзия каби давлатларда ўтказилган кўплаб халқаро турнирларда ватандошларимиз эришган муваффақиятлар ушбу ғамхўрлик ва эътиборнинг амалдаги самараларидир.

***Президентимизнинг 2009 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори бу йўналишдаги ишларни янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилади.***

Унга кўра, спорт клублари ва жамоалари тарбияланувчилари орасидан, айниқса, чекка ҳудудлардан ёш, иқтидорли спортчиларни танлаб олиш, уларнинг маҳоратини ошириш бўйича машғулотлар ташкил этиш, жисмоний имконияти чекланган спортчиларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароитларни яратиб бериш масаласига муҳим вазифалардан бири сифатида аҳамият қаратилмоқда.

Албатта, юртимизда истеъдодлар кўп. Улардан бири Қўқон шаҳрида туғилган Умиджон Аҳмедовдир. Афсуски, у саккиз ёшида бахтсиз тасодиф туфайли ногирон бўлиб қолганди. Лекин яқинлари, онаси Хайринисо опа ва устозлари доимо унга далда бўлишди. Умиджон мактабни аъло баҳоларга битирди. Спорт билан шуғулланишни канда қилмади. Тинимсиз машғулотлар, ўз устида мунтазам ишлаш, иродаси мустаҳкамлиги уни муваффақиятлар сари етаклади. Армрестлинг (қўл кучини синаш) бўйича бир неча бор жаҳон ва қитъа чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

— Иккинчи синфда ўқиб юрган пайтимда ўнг оёғим оғриб, юришга қийналиб қолдим, — дея эслайди У. Аҳмедов. — Шифокорлар ҳарчанд ҳаракат қилишса-да, даволаш имкони бўлмади. Очиғи, бундан қаттиқ изтироб чекдим. Мени доимо кўрикдан ўтказиб турадиган шифокор жуда бағрикенг инсон экан. У киши ўзининг ширинсуханлиги, ўгитлари билан кўнглимни кўтарди. "Руҳингни чўктирма, тақдирингни спорт билан боғлашинг керак, ўғлим", дея таскин берди. Хуллас, шу туфайли спорт оламига кириб келдим.

Албатта, бугунги даражага етишимда ёрдам берган яхши инсонлар кўп бўлди. Қолаверса, Юртбошимиз томонидан жисмоний тарбия ва спортга шу қадар катта эътибор қаратилмоқдаки, бунга биз ўз ғалабаларимиз билан жавоб қайтаришимиз керак.

Ҳа, Умиджон ўз маҳорати ва матонати билан минглаб ўзбекистонлик ёшларга ибрат бўлмоқда. У айни пайтгача кўплаб шогирдлар тайёрлашга ҳам улгурди. Уларнинг аксарияти аллақачон Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлгани, айниқса, қувончлидир.

Умиджон Аҳмедовнинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган. У Президентимиз Фармони билан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони, шунингдек, "Жасорат" медали билан тақдирланган.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Футбол бўйича МДҲ ва Болтиқбўйи чемпионлари кубоги мусобақасини ўтказишга 1992 йилнинг июлида МДҲ Футбол федерациялари ассоциацияси Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилишида қарор қилинган эди. Дастлабки турнир эса 1993 йилнинг 25 январида старт олган. Ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон жамоалари мунтазам иштирок этиб келади.**

МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги:

# МУСОБАҚА ВА НАТИЖАЛАР

*Халқаро турнирнинг навбатдагиси жорий йилнинг 16-24 январь кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиз чемпиони — "Бунёдкор" ўзининг дебют учрашувини ўтказади. Қуйида ана шу чемпионат билан боғлиқ бўлган айрим қизиқарли маълумотларни эътиборингизга ҳавола этамиз:*

* Чемпионат ҳали бирон маротаба ҳам табиий чимли майдонда ўтказилмаган. Аксарият мутахассислар айни шу ҳолат турнир нуфузига таъсир кўрсатади, дея ҳисоблашади. Боиси, бир қатор кучли клублар ("Динамо" Киев, "Спартак" Москва, ЦСКА, "Шахтёр" Донецк) сунъий майдонда ўйинчиларнинг жароҳат олиши хавфи кўпроқлиги туфайли мусобақага иккинчи таркибини юборади.

Арафа

** МДҲ кубоги ФИФА ва УЕФА томонидан доимо қўллаб-қувватланиб келинган. Қарийб ўн бир йилдан буён бу турнир мазкур ташкилотлар раҳбарларининг иштирокисиз ўтмаслиги ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.*

* 1993 ҳамда 1994 йиллардаги мусобақаларда Украина вакиллари иштирок этишмаган. Фақат 1995 йилга келибгина Донецкнинг "Шахтёр" клуби турнирда қатнашиш таклифини қабул қилди. Ва ана шундан бошлаб мухлислар МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари таркибига кирувчи барча мамлакат вакилларининг ўйинини кузатиш имкониятига эга бўлишди.

** 1993 йилдан 2002 йилга қадар МДҲ кубогини фақатгина икки жамоа қўлга киритган бўлиб, хусусан, Москванинг "Спартак" жамоаси олти марта, Киевнинг "Динамо" клуби эса 4 маротаба кубок соҳибига айланган.*

* Турнирни ўтказиш жараёни ҳам бир неча бор ўзгарган. Масалан, 1993 йилдан 1995 йилгача 16 иштирокчи 4 гуруҳга бўлинган ҳолда беллашган бўлса, гуруҳ ғолиблари тўғридан-тўғри ярим финалга йўл олганлар. 1996-1998 йилларда ҳамда 2002 йилдан бугунга қадар эса 4 гуруҳда юқори ўринларни эгаллаган саккизта жамоа чорак финалга йўл олади. Аммо 2005 йили "Локомотив" (Москва) ва "Динамо" (Киев) клублари тўғридан-тўғри ярим финалдан мусобақани давом эттиришган.

** 1999-2001 йилларда эса турнир жуда ҳам ғалати тарзда ўтказилган. Ўн олти жамоа жаҳон рейтингидаги ўрнига қараб 4 гуруҳга ажратилган. Иккита гуруҳ юқори дивизион, қолган 2 таси эса қуйи дивизион вакиллари саналган мазкур турнирда ғолибни аниқлаш анчайин мураккаб тизим асосида кечган. Юқори дивизион гуруҳларида ғолибликни қўлга киритган тўрт жамоа (1-2-ўрин соҳиблари) яна битта гуруҳни ташкил этган ҳолда учтадан ўйин ўтказишган. Фақатгина 1 — 2-ўрин соҳиблари кейинчалик финалда беллашганлар. Қуйи дивизионда ғолибликни қўлга киритган икки жамоа эса ўз мамлакати вакилининг келгуси турнирда юқори дивизионда тўп суришини таъминлаб берган. Улар юқори дивизионда кам очко жамғарган икки мамлакат вакиллари билан ўрин алмашганлар.*

* "МДҲ кубоги — 2007"да ғолибликка эришган Тошкентнинг "Пахтакор" клуби мамлакатимизнинг мазкур турнирда зафар қучган илк жамоаси бўлди.

*Рекордлар*

*** МДҲ чемпионлар кубоги турнирида қайд этилган энг йирик ҳисоб 19:0 эканини ҳамма ҳам билавермаса керак. Айнан мана шу натижа 1998 йили "Спартак" (Москва) — "Вахш" (Тожикистон) жамоалари ўртасидаги ўйинда кузатилган эди.**

* "Сконто" аъзоси Михаил Землинский эса турнирда энг кўп ўйин ўтказган футболчи сифатида тарихда қоладиган бўлди. У МДҲ кубоги мусобақаларида 46 маротаба ўз жамоаси шарафини ҳимоя қилган.

*** Россиялик ҳакам Валентин Иванов турнирда 20 та ўйинни бошқаргани билан ҳакамлар ўртасида етакчилик қилмоқда. Асосийси, унинг назорати остида ўтган ўйинларнинг аксарияти финал учрашуви мақомига эгалиги билан ажралиб туради.**

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**
**тайёрлади.**

# СПОРТНИНГ ОЛАМИ СИРЛИ

Умид ниҳоллари



**Темур ҚУРБОНБОЕВ**
**сурат-лавҳаси.**

**Спорт билан мунтазам шуғулланиш кишини ёшартиради, деганларича бор экан. Наманганлик Людмила Музаффарова олтмиш ёшдан ошди. Бироқ ҳар куни тонгда шаҳар кўчалари бўйлаб 12-15 километр масофага югурадиган бу аёлни кўрган киши унинг табаррук ёшда эканлигига ишониши қийин.**

# ОЛТМИШ ЁШЛИ МАРАФОНЧИ

Енгил атлетика билан ўқувчилик пайтидан шуғуллана бошлаган Людмила югуришнинг фойдалилигини сезиб, уни кундалик машғулотга айлантирганди. Жисмоний тарбия машғулотларида 60, 100 метрлик масофага югуриш баҳсларида синфдошларидан анча ўзиб кетганини кўрган устози Ҳабибулло Усмоновнинг рағбатлантиришлари ҳаракатчан қизга келажагини белгилаб олиш учун яхшигина ишора бўлди. У олий ўқув юртида таҳсил олаётган даврида Косонсойда енгил атлетика бўйича республика биринчилиги ўтказилди. Людмила унда 30 километрлик масофага марафон югуриш баҳсларида иштирок этди. Гарчи олтмиш киши орасида маррага бешинчи ўринда етиб келган бўлса-да, биринчи бор нуфузли мусобақада эришган натижасидан кўнгли тўлди. Кейинги гал Шаҳрисабзда аёллар ўртасида ташкил этилган республика чемпионатида Людмила 42,1 километр масофага югуриш баҳсларида маррага биринчи бўлиб етиб келиб, олтин медаль соҳибасига айланди.

— Ўшандаги муваффақият кейинчалик жаҳон миқёсидаги ғалабаларга уланиб кетди, — дейди Людмила Музаффарова. — Мана, йигирма олти йилдирки, МДҲ ҳудудидаги давлатлардан бирида ўтказиб келинаётган халқаро марафонда қатнашиб келяпман. Ҳар гал мусобақага борган чоғимда дунёнинг турли мамлакатларидан келган минглаб спортчилар орасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётганимдан ғурурга тўламан.

Эътиборли жиҳати, у қатнашган барча беллашувларда юқори натижаларга эришиб келмоқда. Масалан, 2009 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган навбатдаги халқаро марафонда уч минг нафар югурувчи ўртасида тўртинчи ўринни эгаллади.

— Маррага етиб келган пайтимда олдимга бир нотаниш киши келиб табриклади, — дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Билсам, германиялик спортчилар етакчиси Манфред Боглен деган киши экан. Қўлимни қисганича, жорий йилда ўз юртида ўтказиладиган марафонга таклиф қилди. Ўз навбатида, уни ҳам Ўзбекистонда меҳмон бўлиш, юртимиз билан яқиндан танишишга таклиф қилгандим, қувониб кетди.

Наманган давлат университетининг жисмоний маданият ва спорт факультети катта ўқитувчиси Л. Музаффаровага кўпчилик ҳавас билан қарайди. Чунки спортга ошнолик унга нафақат танисиҳатлик, балки умр дафтарига зеб берадиган анчагина қувончли лаҳзалар, эсда қоларли ютуқлар ато этди. Шогирдлар тарбиялаш ҳамда мамлакатимиз спортини оммалаштиришдаги меҳнатлари ҳисобга олиниб, у "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" деган шарафли унвон билан тақдирланди. Жисмоний тарбияни ҳаётининг мазмуни деб билган бу аёл ҳамон тетик ва яна кўп йиллар шогирдлар тарбияси билан шуғулланишни дилига туккан. Ўйлаймизки, унинг ибратли ҳаёт йўлидан ўрнак олган шогирдлари орасидан ҳам юртимиз спорти довруғини дунёга танитадиганлар кўплаб етишиб чиқади.

**Н. ҚУДРАТОВ.**



# Соғлиқ манбаими ёки бойлик?

***Дунёда спорт шу қадар ривожланиб кетдики, жаҳон ва қитъа рекордлари тез-тез янгиланиб туриши одатий ҳолга айланиб қолди. Шуни таъкидлаш лозимки, профессионал спорт нафақат чиниқиш, балки катта бойлик манбаига ҳам айланиб бормоқда.***

"Forbes" журнали энг кўп маош оладиган спортчилар рўйхатини эълон қилди. Қизиқ томони, жаҳонда биринчи рақамли спорт тури сифатида футбол тан олинса-да, бу сафар ҳам ғалабани америкалик гольфчи Тайгер Вудс (110 миллион АҚШ доллари) "илиб кетди". Мазкур спортчи кетма-кет саккизинчи бор жадвалнинг юқори поғонасини банд этаётир. У ўтган мавсумда атиги битта расмий турнир — Америка очиқ чемпионатида иштирок этиб, 5 миллион доллар ишлаб олди. Қолган 100 миллион долларни эса реклама шартномалари, спорт инвентарлари ишлаб чиқарадиган хусусий фирмаси, дунёда қурилаётган гольф марказларига киритган инвестицияси ҳисобига ишлаб топган. Мутахассислар вазият шу тахлитда давом этса, 2011 йили Тайгер Вудс биринчи миллиардер спортчи сифатида тарихга кириши мумкинлигини айтишмоқда.

Кучли йигирматаликда баскетболчилар Кобе Брайант, Майкл Жордан (45 миллион), автопойгачи Кими Райкконен (45 миллион), футболчилар Дэвид Бекхэм (42 миллион), Роналдиньо (30 миллион), боксчилар Мэнни Пакьяо (40 миллион), Оскар Де Ла Хойя (32 миллион), теннисчи Роже Федерер (33 миллион)ни ҳам кўриш мумкин.

**Даврон ЖАВЛОН**
**тайёрлади.**

**Поёнига етган йилда жаҳоннинг етакчи футбол клублари ўз таркибларига номдор ўйинчиларни жалб этиш учун маблағни аямасдан сарфлашди. Дунёда кузатилаётган молиявий-иқтисодий тангликка қарамай, "миллионлар ўйини"га бу қадар катта миқдорда сармоя йўналтирилиши мухлисларни хурсанд қилгани турган гап.**

*Аммо кўзга кўринган иқтисодчи-экспертлар ушбу ҳолатга таажжуб билан муносабатда бўлишди. Айниқса, Испаниянинг "Реал" клуби бу борада яна бир карра барчанинг диққатини тортди. Чунки мадридликлар бир йўла Криштиану Роналду ("Манчестер Юнайтед"дан, Англия), Кака ("Милан"дан, Италия), Карим Бензема ("Лион"дан, Франция), Хаби Алонсо ("Ливерпуль"дан, Англия) каби машҳур "чарм тўп" усталари учун бир неча юз миллион евронинг баҳридан ўтишди. Ҳозирда бу футболчилар ўзларини қай даражада кўрсатаётганликларини эса мухлису мутахассислар баҳолашади, албатта.*

*Аммо шундай харидлар ҳам амалга оширилдики, бу тадбирлар ўша клубларга кутилган самарани бермади. Қуйида "энг омадсиз трансферлар" дея баҳоланган харидлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.*



# Ўзини оқламаган харидлар

Россиянинг "Зенит" клуби таркибида ёрқин ўйин кўрсатган Анатолий Тимошукка Европанинг бир қатор грандлари "оғиз" солганди. Футболчи эса улар орасидан шонли тарихга эга бўлган "Бавария"ни танлади. Ўн бир миллион евро эвазига Германияга кўчиб ўтган Тимошук мюнхенликлар таркибида ўзини унчалик кўрсата олмаяпти. Шу боис бош мураббий Луи Ван Галл украиналик футболчига унчалик ишонч билдирмаяпти. Футболчининг ўзи эса бундай фикрда эмас.

*Не-не умидлар билан "Барселона" Кейррисонни "Бенфика"дан ижарага олганди. Унинг учун нақд ўн уч миллион евро сарфланди. Бироқ бразилиялик "чарм тўп" устаси "Камп Ноу"да умуман "йўқолиб қолди". Шу боис бош мураббий Гвардиола уни асосий таркибга киритмай қўйди. Бу ҳол Романинг вориси сифатида эътироф этилаётган Кейррисоннинг тажриба орттириш учун яна Лиссабонга қайтишига сабаб бўлиши мумкинлиги айтилмоқда.*

"Вердер"да "гуллаган" Диегога Турин ҳавоси ёқмади чоғи, ҳар қалай, у "Ювентус" таркибида ўртамиёналардан бирига айланди-қолди. Гарчи жамоа бош мураббийи Чиро Феррара унга мунтазам асосий таркибдан жой бераётган бўлса-да, четдан қараганлар Диего 25 миллион евролик футболчига ўхшамаётганини билдиришмоқда. Балки бунга Дель Пьеронинг ҳамон ишончли ўйин кўрсатаётгани сабаб бўлаётгандир? Чунки Диего ва Дель Пьеро битта амплуада тўп суради. Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди, деб шунга айтсалар керак-да.

Ажабо!

*Ўн беш миллион евро эвазига Мадриддан Милан сари йўл олган Клаас-Ян Хунтеларлардан ҳам "Сан-Сиро"да кўп нарса кутишганди. Хусусан, у Алешандро Пато билан ажойиб тандем ҳосил қилишига умид билдирилганди. Лекин бундай бўлмади. Боз устига, мавсумнинг ярмига қадар атиги икки гол муаллифи бўлган голландиялик ҳужумчи ёш Марко Борриеллога ўз ўрнини бериб қўйди. Шу сабаб Италия матбуоти Хунтелаар Миланда кўп ушланиб қолмаслиги ҳақида тинимсиз ёзмоқда.*

Златан Ибрагимовичнинг ўринбосари бўлади, дея умид қилинган Марко Арнаутович, мана, тўрт ой ўтибдики, "Интер"да дебютини кутмоқда. "Твенте"нинг энг асосий фигураларидан бўлган бу футболчи нима сабабдан бундай "хўрланганини" ўзидан бошқа ҳеч ким билмаса керак. Ахир унинг учун саккиз миллион евро қуртдай санаб берилганди-да...

*"Барселона"дан ижара асосида "Штутгарт"га ўтган Александр Глеб ҳам ўз савиясидан анча паст ўйин кўрсатмоқда. Қолаверса, унинг жамоаси иши ҳам унчалик юришмаяпти. Шу боис Глеб яна "Барселона"га қайтариб берилиши тахмин қилинмоқда.*

Бразилия терма жамоасида мунтазам ўйнаш илинжида "ЦСКА"дан "Палмейрас" клубига келган Вагнер Лав ҳам ниятига етолмайдиган кўринади. Ушбу ҳужумчига чиқиш эшиклари аллақачон кўрсатилган. Бунга жамоа мухлислари ҳам хайрихоҳликларини билдиришган. Қолаверса, Лавнинг ўйинидан жазавага тушган тўрт-беш нафар мухлис футболчини тутиб, калтаклашгача боришди.

*Фелипо Мело учун "Ювентус" 18 миллион евро тўлаш баробарида Кристиано Занетти ва Марко Маркьоннини "Фиорентина"га бериб юборганди. Аммо унинг қадами Туринга ёқмаган кўринади. Клуб юлдузли таркиби билан Чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичидаёқ "юриши"ни якунлади. Бундан ташқари, "Ювентус" охирги олти ўйиндан бештасида мағлубиятга учради. Шу боис туринликлар тезроқ бу футболчини сотиб юборишни кўзлашмоқда.*

**Фазлиддин АБИЛОВ**
**тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 04. 61238 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.00 Топширилди — 00.10 1 2 3 5